

Ўзбекистон Республикаси Президентининг  
ҚАРОРИ

## НОГИРОНЛИГИ БЎЛГАН ШАХСЛАРНИ ҲАР ТОМОНЛАМА ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ, УЛАРНИНГ БАНДЛИГИГА КЎМАКЛАШИШ ҲАМДА ИЖТИМОЙ ФАОЛЛИГИНИ ЯНАДА ОШИРИШГА ОИД ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикаси ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини "Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустақамлаш йили" да амалга оширишга оид давлат дастурини белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш, шунингдек, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Барқарор ривожланиш мақсадлари билан ҳамоҳанг равишда ногиронлиги бўлган шахсларни қўллаб-қувватлашнинг самарали тизимини шакллантириш, уларни меҳнат фаолиятига кенг жалб қилиш орқали ҳаёт сифати ва даражасини ошириш ҳамда ногиронлиги бўлган шахслар учун янги иш ўринларини яратиш мақсадида:

1. Белгилансинки, 2022 йил 1 январдан бошлаб Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси маблағлари ҳисобидан ногиронлиги бўлган шахсларни ишга қабул қилган иш берувчиларга (бюджет ташкилотлари, давлат корхоналари, устив жамғармаси (капитали)да давлат улуши 50 фоиз ва ундан ортиқ бўлган юридик шахслар бундан мустасно) ҳар бир ходим учун 6 ой давомида ҳар ойда базавий ҳисоблаш миқдорининг 1,5 баравари миқдорига субсидия берилди.

Бунда, ногиронлиги бўлган шахсларни ишга қабул қилган ташкилотга субсидия беришда Ягона миллий меҳнат тизимида рўйхатдан ўтказилган меҳнат шартномаси асос ҳисобланади.

Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги (Э.Мухитдинов) Молия вазирлиги (Т.Ишметов), Тиббий-ижтимоий хизматлари ривожлантириш агентлиги (А.Инаков) билан биргаликда бир ой муддатда Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси маблағлари ҳисобидан ногиронлиги бўлган шахсларни ишга қабул қилган иш берувчиларга субсидия бериш тартиби тўғрисидаги Ҳукумат қарори лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

2. 2022 йил 1 мартдан бошлаб:

а) Солиқ кодексининг 380-моддаси биринчи қисмига мувофиқ болаликдан ногиронлиги бўлган шахслар ҳамда I ва II гуруҳ ногиронлиги бўлган шахслар учун даромад солиғи бўйича белгиланган имтиёз меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорининг 1,41 бараваридан 3 бараваригача оширилади;

б) 2024 йил 1 мартга қадар иш берувчиларга (бюджет ташкилотлари, давлат корхоналари, устив жамғармаси (капитали)да давлат улуши 50 фоиз ва ундан ортиқ бўлган юридик шахслар бундан мустасно) улар томонидан ногиронлиги бўлган шахслар учун тўланган ижтимоий солиқ суммаси Давлат бюджетидан тўлиқ қайтариб берилди.

Бунда, ижтимоий солиқ суммаси ногиронлиги бўлган шахсларнинг олти ой давомида узлуksиз меҳнат фаолиятини амалга ошириши шарт билан еттинчи ойдан бошлаб қайтарилади.

Молия вазирлиги (Т.Ишметов) бир ой муддатда Солиқ кодексига ушбу бандга мувофиқ ногиронлиги бўлган шахслар учун даромад солиғи бўйича белгиланган имтиёзларни назарда тутувчи қонун лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

3. Ногиронлиги бўлган шахслар ишлари бўйича идоралараро кенгаш (кейинги ўринларда – Идоралараро кенгаш) таркибига Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари, Ўзбекистон кўзи оғирлар жамияти, Ўзбекистон карлар жамияти, Ўзбекистон ногиронлар ассоциацияси ҳамда Тадбиркор ногирон-аёллар миллий ассоциацияси раҳбарлари киритилсин.

Идоралараро кенгашнинг зиммасига ногиронлиги бўлган шахсларнинг бандлигига кўмаклашиш бўйича қуйидаги қўшимча вазифалар юклатилсин:

ногиронлиги бўлган шахсларнинг таълим

муассасаларида инклюзив таълимни ривожлантириш, уларни касбга тайёрлаш ва малакасини ошириб бориш учун муқобил шаклдаги ўқув материалларидан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш;

таълим муассасаларини битирувчи ногиронлиги бўлган шахсларнинг тавсия этилган касблар бўйича белгиланган тартибда корхона ва ташкилотларда амалиёт ўташи ташкил этиш;

ногиронлиги бўлган шахсларнинг корхона ва ташкилотлардаги иш жойларини жиҳозлаш, мослаштириш ва уларнинг фаолият кўрсатиши учун зарурий меҳнат шартларини ташкил этиш;

ногиронлиги бўлган шахсларни улар ишга жойлашгандан сўнгра ҳамда тадбиркорлик, хунармандчилик ёки ўзини ўзи банд қилиш фаолиятини бошлагандан кейин қўллаб-қувватлаш механизмларини таъбиқ этиш.

Идоралараро кенгашга раҳбарлик қилиш Савдо-саноат палатасининг раиси А.Икрамов зиммасига юклатилсин.

4. Давлат буюртмачиларига электрон кооперация биржаси порталида рўйхатдан ўтган, ишловчи ходимлари умумий сонининг камида 50 фоизи ногиронлиги бўлган шахслардан иборат ва ногиронлиги бўлган шахслар меҳнатига ҳақ тўлаш фонди умумий меҳнатга ҳақ тўлаш фондининг камида 50 фоизини ташкил этадиган, ягона иштирокчиси ногиронлиги бўлган шахсларнинг жамоат бирлашмалари ҳисобланган юридик шахслар (кейинги ўринларда – ягона иштирокчиси ногиронлиги бўлган шахсларнинг жамоат бирлашмалари ҳисобланган юридик шахслар) билан улар томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотларни харид қилиш бўйича тўғридан-тўғри шартномалар тузишга рухсат берилсин.

Белгилансинки:

ягона иштирокчиси ногиронлиги бўлган шахсларнинг жамоат бирлашмалари ҳисобланган юридик шахсларнинг товарларини (ишлари, хизматларини) харид қилиш учун квоталар тақдим этиш тартиби бекор қилинади;

мазкур бандга асосан тузилган, қиймати базавий ҳисоблаш миқдорининг 6 000 бараваригача бўлган товарлар (ишлар, хизматлар) харидига оид шартномалар ва уларга қўшимча келишувлар "Лойиҳалар ва импорт контрактларини комплекс экспертиза қилиш маркази" давлат унитар корхонасида экспертизадан ўтказилмайди.

5. Ёшлар ишлари агентлиги (А.Саъдуллаев) Ёшларга оид давлат сиёсатини қўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағлари ҳисобидан ҳар йили 500 нафаргача ногиронлиги бўлган ёшларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш мақсадида қуйидаги йўналишлар учун субсидия ажратиб бориш тизимини жорий этисин:

нодавлат таълим ташкилотларида касб-хунарга ўргатиш, уларда касбий кўникмаларни шакллантириш, ахборот технологиялари, компьютерда дастурлаш амалиёти, умумтаълим фанлари ва хорижий тилларни ўргатиш, шунингдек, зарур ҳолларда яшаш ва транспорт ҳаражатларини қоплаш учун;

касбга тайёрлаш, қайта тайёрлаш, малака ошириш, тадбиркорлик ва касб-хунарга ўргатиш курсларини муваффақиятли тугатган ҳамда махсус сертификатни олган, шунингдек, тадбиркор ёки ўзини ўзи банд қилган шахс сифатида давлат рўйхатидан ўтганларга асбоб-ускуна ва меҳнат қуролларини харид қилиш учун.

Белгилансинки, субсидиялар ҳар бир ногиронлиги бўлган ёшнинг талабига мувофиқ, базавий ҳисоблаш миқдорининг 50 бараваригача бўлган миқдорда мазкур бандга кўрсатилган йўналишлардан биттаси учун ажратилди.

6. "Эл-юрт умиди" жамғармаси (А.Бекмуродов) Ёшлар ишлари агентлиги (А.Саъдуллаев) билан биргаликда ушбу жамғарма маблағлари ҳисобидан 2022 йилдан бошлаб ҳар йили танлов асосида танлаб олинган 20 нафаргача ногиронлиги бўлган иқтидорли ёшларнинг етакчи хорижий олий таълим муассасаларида, шу жумладан, онлайн курсларда таълим олишини ташкил этсин.

7. Ногиронлиги бўлган шахсларнинг давлат органлари, шу жумладан, давлат корхоналари, муассасалари ва ташкилотларида (кейинги ўринларда – давлат идоралари) ўз меҳнат фаолиятини олиб боришининг қуйидаги механизмлари жорий қилинсин:

а) Давлат хизматлари агентлиги (У.Мухаммадиев);

2022 йил 1 мартга қадар ҳар бир ҳудудда биттадан давлат хизматлари марказида ногиронлиги бўлган шахсларнинг уларга мос келувчи лавозимларда (оператор, консультант, инспектор ва бошқалар) ишлаши учун қулай шартларни яратган ҳолда меҳнат фаолиятини олиб боришини (кейинги ўринларда – тажриба-синов лойиҳаси) таъминласин;

2022 йил 1 сентябрга қадар тажриба-синов лойиҳаси натижаларига кўра мазкур амалиёт барча давлат хизматлари марказларида жорий қилинсин;

б) Тиббий-ижтимоий хизматлари ривожлантириш агентлиги (А.Инаков) Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги (Э.Мухитдинов) ҳамда Давлат хизматлари агентлиги (У.Мухаммадиев) билан биргаликда тажриба-синов лойиҳасини таҳлил қилиш ва унинг натижалари асосида 2022 йил 1 апрелга қадар давлат идораларида (шу жумладан, бошқа ҳўжалик юритувчи субъектларда) ногиронлиги бўлган шахсларнинг фаолият олиб бориши учун иш ўринлари ва касбларни мослаштириш бўйича тавсиялар, шунингдек, улар фаолият кўрсатиши мумкин бўлган касб ва лавозимлар рўйхатини тасдиқлашни назарда тутувчи Ҳукумат қарори лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

в) Савдо-саноат палатаси (А.Икрамов) ногиронлиги бўлган шахсларни иш билан таъминлаш, уларнинг бизнес юритишига кўмаклашишда маҳаллий ва хорижий тадбиркорлик субъектларининг кенг иштирокчини таъминлаш бўйича барча зарурий чораларни кўрсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 9 августдаги "Ногиронлиги бўлган шахсларга кўрсатилаётган тиббий-ижтимоий хизматлар сифатини янада яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-5217-сон қароридан 2022 йил 1 майдан бошлаб "Ижтимоий хизмат" электрон платформаси (кейинги ўринларда – Платформа) ишга туширилиши белгиланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

Тиббий-ижтимоий хизматлари ривожлантириш агентлиги (А.Инаков):

Платформа ногиронлиги бўлган шахсларнинг электрон маълумотлари, уларнинг ижтимоий фаолигини ошириш, соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, тиббий-ижтимоий хизматлар бўйича тезкор муурожаат қилиш каби масалаларни ўз ичига олишини таъминласин;

Платформани тақомиллаштириш бўйича буюртмачи функциясини амалга оширсин ва унинг узлуksиз фаолият кўрсатишини таъминласин.

9. Ногиронлиги бўлган шахсларни самарали қўллаб-қувватлаш мақсадида "Ижтимоий хизмат" электрон платформасида:

а) Соғлиқни сақлаш вазирлиги (А.Азизов) тиббий, психологик маслаҳат олиш бўйича онлайн муурожаатлари қабул қилиш, мунтазам равишда

тезкор маслаҳатлар бериб бориш ҳамда бошқа тиббий хизматлар кўрсатиш чораларини кўрсин;

б) Туризм ва спорт вазирлиги (У.Азамов) ногиронлиги бўлган шахсларнинг жисмоний тарбия ва спорт билан шугулланиши ҳамда уларга имтиёзли хизматлар кўрсатиш чораларини кўрсин;

в) Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги (Г.Маъруфова) "Аёллар дафтари"га киритилган, ногиронлиги бўлган хотин-қизларга кўрсатилаётган ижтимоий-ҳуқуқий, психологик ва моддий ёрдам турлари ҳамда эҳтиёждан аҳолига субсидиялар ва бошқа лойиҳалар ҳақидаги маълумотларни жойлаштириш чораларини кўрсин;

г) Давлат хизматлари агентлиги (У.Мухаммадиев) Давлат хизматлари марказлари, жумладан, Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали ногиронлиги бўлган шахсларга давлат хизматларини кўрсатиш (санаторийларда, пансионатларда ва бошқа муассасаларда доволаниш учун йўланмалар олиш) чораларини кўрсин;

д) Маданият вазирлиги (О.Мирзаев) ногиронлиги бўлган шахслар, айниқса, ногиронлиги бўлган ёшларнинг мусиқа ва санъат мактабларида, кутубхоналарда, ижодий устaxonлар ва халқ усталари мактабларида "устоз-шогирд" тамойили асосида ўқиши, ташкиллаштирилаётган маданий тадбирларда иштирок этишига кўмаклашиш бўйича хизмат кўрсатиш чораларини кўрсин;

е) Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги (Э.Мухитдинов):

"Ягона миллий меҳнат тизими" идоралараро дастурий-аппарат комплексида кирувчи бўш (вакант) иш ўринлари миллий базасини интеграция қилиш чораларини кўрсин;

ногиронлиги бўлган шахсларни касб-хунарга ўргатадиган онлайн тўракаларни ташкил этсин ҳамда ўқув қўлланмалари ва видеоматериалларни, "Ишга марҳамат" мономарказлари ва ўқув марказлари манзиллари, улардаги ўқув курслари ва муддатлари тўғрисидаги маълумотларни жойлаштирсин;

ж) Савдо-саноат палатаси (А.Икрамов), "Хунарманд" уюшмаси (У.Абдуллаев) хунармандчилик фаолиятини бошлаш учун асбоб-ускуна ҳамда меҳнат қуролларини харид қилишга субсидия ажратиш, уюшмага аъзолик бадалини қоплаш учун субсидия бериш, "устоз-шогирд" тамойили асосида ногиронлиги бўлган шахсларга тавсия этилган касб-хунарларга ўргатиш чораларини кўрсин;

з) Ёшлар ишлари агентлиги (А.Саъдуллаев): ногиронлиги бўлган ёшларга ўзини ўзи банд қилиш, уларни тадбиркорликка жалб қилиш, касб-хунарга ўқиш учун жорий этилган субсидиялардан фойдаланишда кўмаклашиш;

ногиронлиги бўлган ёшларнинг хорижий тилларга ўрганиш ва нодавлат таълим ташкилотларида ўқиш харажатларини қоплаш, уларнинг асбоб-ускуна ва меҳнат қуролларини харид қилишига ёрдамлаштириш чораларини кўрсин;

и) Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги (К.Каримов) олий ва профессионал таълим муассасаларида ўқийётган ҳамда ўқиш истигадиги ногиронлиги бўлган ёшлар учун таълим муассасалари томонидан берилган имтиёзлар ва улардан фойдаланиш тўғрисидаги маълумотларни жойлаштириб бориш чораларини кўрсин;

қ) Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги (О.Пекосов) ногиронлиги бўлган, шу жумладан, кўзи оғир ва қўришда нуқсонли бўлган шахсларнинг Платформадан қулай ва бепул фойдаланишини таъминлаш чораларини кўрсин.

(Давоми 2-саҳифада)



## ТАЙЁР БОҒ ВА ТОКЗОРЛАР ИМТИЁЗЛИ КРЕДИТГА БЕРИЛАДИ(МИ?)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 26 апрелдаги "Фермер, деҳқон ҳўжаликлари ва томорқа ер эгалари фаолиятини тақомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорига кўра, Ўзбекистон фермер, деҳқон ҳўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши қузурда Фермер, деҳқон ҳўжаликлари ва томорқа ер эгаларини қўллаб-қувватлаш жамғармаси ташкил этилди. Низомни ҳам тасдиқлаб, жамғарманинг вазифалари, фаолият йўналишлари белгиланди.

Фермер, деҳқон ҳўжаликлари ва томорқа ер эгаларини молиявий қўллаб-қувватлаш жамғарманинг асосий вазифалари ҳисобланади. Шу билан бирга фермер, деҳқон ҳўжаликлари ва томорқа ер эгалари фаолиятини ривожлантириш, янги турдаги қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари етиштиришни рағбатлантириш, қишлоқ ҳўжалигида янги, самарали технологияларни жорий қилишга кўмаклашиш каби вазифалар ҳам шулар жумласидандир.

(Давоми 2-саҳифада)

## НУРЛИ БЕКАТЛАР

Дунё таниган файласуфларнинг фикрича, кўрраи заминни маданият асраб туради. Бундан бир юз эллик йил муқаддам америкалик таниқли рассомлар, санъатни қадрлаган тадбиркорлар, кўнгилчилар томонидан Нью-Йорк шаҳрида ажойиб иншоот қурилди.

Манбаларда ёзишлари, ушбу иншоот ташкилотчилари дунё халқлари санъати тарихи ва турмуш тарзини намоян эътибор билан йирик томошагоҳ очишни мақсад қилганлар. Бу манзилда сайёрамизнинг турли бурчакларида яратилган санъат дурдоналари ва тош даврдан бугунги кунгача бўлган тарихий жараёни акс эттирувчи экспонатлар жамланган.

Уни ташкил этганлар қандай ном қўйиш бўйича узоқ мулоҳаза юритдилар. Ниҳоят шаҳар маркази, пойтахтга оид сўзлар бирикмасидан фойдаланиб Метрополитен музейи деб аташга қарор қилдилар. Мазкур атама кейинчалик бутун дунёда ер ости темир йўлига нисбатан қўлланиладиган бўлди. Метрополитен... Бугунги кунда дунёнинг барча ривожланган мамлакатларида метрополитен хизматидан фойдаланадилар. Тошкент метрополитени ҳам пойтахтимизнинг гавҳари, кўрки сифатида халқимиз ва хорижий сайёҳларнинг эътиборини яқин қилмоқда. Янги Ўзбекистоннинг яна бир кашфиёти сифатида иш бошлаган ер усти метрополиси ҳам қулайлиги, тезкорлиги, озодлиги, саришталлиги билан кишиларни мафтун этмоқда. У гўёки ўзбекнинг шохли белбоғидек пойтахтимизни кўчиб туради.

Инсон оиласини ва ўз касбинини севса эрталаб ишга, кечқурун уйга шошади. Касбинини нуқтан назардан метрополитенда тинчликни асраш, осойишталикни сақлаш ишида кечаю кундуз зийрак ва ҳушёр турмиш. Ҳар қандай ноқонуний хатти-ҳаракат эътиборимиз марказида туради. Жиноятчиликнинг катта ёки кичиги бўлмайди. Уларнинг ортида инсон ҳаёти, соғлиги бор.

Бизнинг энг муҳим вазифамиз ана шундай ҳолатларнинг олдини олишдан иборат. Таъкидлашни истайманки, йўловчиларнинг ўткир тигли жисмларини олиб юриш хавфидан огоҳлиги, мамлакатимизда ҳукм сураётган пандемия шароитида ҳушёрликка риоя қилишлари, жиноятчиликнинг ҳар қандай турига қарши муносабатлари ер ости ва ер усти метро бекатларида тинчлик ва осойишталикнинг сақлашида муҳим омилидир. Метрополитен хизматидан бир кунда минглаб турли миллатда дахлдор инсонлар фойдаланадилар. Уларнинг осойишта чехраси, хотиржам нигоҳларига кўзим тушганда юртимизда ҳукм сураётган тинчлик, хотиржамликнинг қадрига янада кўпроқ етаман. Ҳадемай, остонамизга янги йил эшик қўйиб кирди. Ана шу шодийнани ҳам яхши кайфият, соғ-саломат ўтказиш ҳар бир инсоннинг ўзига ва унинг ён-атрофидагиларга боғлиқ. Метро бекатларидаги беақаллар, танланган рангларда миллий колоритнинг уйғунлиги эса бунёдкор халқимиз томонидан яратилаётган бебаҳо бойликларнинг асрашга ундаб тургандек туюлади. Назаримда, океан ортидаги санъат ихлосмандлари ҳам дунё маданияти дурдоналари ҳам этилган жойга метрополитен деб ном қўйишда тўғри йўл тутгандек. Агар фикримга эътирозингиз бўлса ер ости ва ер усти қишлоқларига санъатли Тошкент метрополитени бўйлаб саёҳат қилинг. Тоza ва озода метро поездлари сизни орзуларингиз томон етаклаши шубҳасиз.

Беходбек ИСЛОМБЕКОВ,  
Метрополитенда  
Хавфсизлиқни таъминлаш  
бошқармаси ходими,  
капитан.



ZARBULOQ  
ENGINEERING

## НИНГ ЗАЛВОРЛИ ОДИМЛАРИ



"Zarbuloqinijining" kompaniyasining tashkil topganiga uncha kўp vaqt bўlmaди. Innovatsion texnologiyalar asosida ish olib boraётган mазkur korxonа мамлакатимизда faoлият yuritаётган yirik inшоот va kompaniyalarнинг эскириб, yaroқsiz холга келиб қолган қувурларини қисқа вақтда, сифатли ва керагидан кам маблағ эвазига қайта таъмирлаш хизматини кўрсатиш билан эътиборга тушди.

Компания диаметри 500 мм.дан юқори бўлган қувурларни ер сатҳини қовламай, йўлларни бузмаган ҳолда қайта таъмирлаш имкониятига эга бўлиб, сарф-харажатларнинг қисқартирилиши эвазига буюртмачилар маблағининг тежаб қилинишига катта ҳисса қўшмоқда. Бугунги замон талабидан келиб чиққан ҳолда ва бошқа қулайликлар

сабаб корхонанинг юртимиздаги нуфузли мижозлари сони кўндан кўнгра ортиб бормоқда. Сув ҳўжалиги ва Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирликлари, Навоий кон металлургия комбинати, Олмақчи кон металлургия комбинати сингари yirik korxonalar ҳам шулар жумласидандир.

(Давоми 2-саҳифада)

Ногиронлиги бўлган шахсларни касб-хунарга ўргатиш бўйича ҳар чорада қисқа муддатли курслар ташкил этилади

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

НОГИРОНЛИГИ БЎЛГАН ШАХСЛАРНИ ҲАР ТОМОНЛАМА ҚўЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ, УЛАРНИНГ БАНДЛИГИГА КўМАКЛАШИШ ҲАМДА ИЖТИМОЙ ФАОЛЛИГИНИ ЯНАДА ОШИРИШГА ОИД ҚўШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТўҒРИСИДА

(Боши 1-саҳифада)

10. Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги (Э.Мухитдинов) 2022 йил 1 февралдан бошлаб ногиронлиги бўлган шахсларни ишга жойлаштириш учун туман (шаҳар)лар ҳокимларининг қарори билан белгиланган иш ўринларининг энг кам сони ва иш берувчилар томонидан иш ўринлари захирага қўйилганлиги тўғрисидаги маълумотларнинг "Ягона миллий меҳнат тизими" идораларо дастурий-аппарат комплексига кирувчи бўш (вакант) иш ўринлари миллий базасида реал вақт режимида акс этиб боришни таъминласин.

11. 2022 йил 1 февралдан бошлаб: а) Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги (А.Тошқулов) тасарруфидоги профессионал таълим муассасалари бўлган вазирилик ва идоралар билан биргаликда барча ҳудудлардаги касб-хуна мақтаблари, коллежлар ва техникумларда ногиронлиги бўлган шахсларни касб-хунага ўргатиш бўйича ҳар чорада қисқа муддатли курсларни ташкил этиш.

б) Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги (Э.Мухитдинов) "Ишга марҳамат" мономарказларида ногиронлиги бўлган шахслар учун таълим этилган ва меҳнат бозорида талаб юқори бўлган касблар, ҳар қандай шарт-шароитларни яратиш,

жизозлаш, ўқув қуроллари ва ўқув-методик материаллар билан таъминлаш билан боғлиқ харажатлар Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги (Э.Мухитдинов) қўмаклашиш давлат жамғармаси ҳамда ҳорижий грант ва кредитлар ҳисобидан амалга оширилади.

12. Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги (Э.Мухитдинов): а) 2022 йил 1 июндан бошлаб Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги қўмаклашиш давлат жамғармаси ҳисобидан ногиронлиги бўлган шахсларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш ва уларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш билан шуғулланувчи нодавлат ношарикат ташкилотларига базавий ҳисоблаш миқдорининг 200 баравари миқдоридан қўйидаги тадбирларни молиялаштириш шартларини назарда тутувчи ижтимоий буюртма маблағларини ажратиш тизимини жорий этсин;

б) 2022 йилдан бошлаб ногиронлиги бўлган шахсларни касб-хунага ўқитиш бўйича амалдаги тартиблар асосида ажратилган грант миқдорини камда 2 бараварга оширсин;

в) 2022 йил 1 мартга қадар ногиронлиги бўлган шахсларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш ва уларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш билан шуғулланувчи нодавлат ношарикат ташкилотларига ижтимоий буюртма бериш, шунингдек, танлов шартлари ва уни ўтказиш тартибини назарда тутувчи Ҳукумат қарори лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

г) 2022 йил 1 майга қадар давлат идораларида ногиронлиги бўлган шахсларнинг белгиланган квоталарга мувофиқ ишга қабул қилиниши ҳолатини ўрганиб чиқиб, ўрганиш натижалари бўйича амалий чора-тадбирлар дастури лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

13. Ногиронлиги бўлган шахслар орасида уларнинг ҳаётини яхшилашга қаратилган энг яхши ижтимоий лойиҳаларни рағбатлантириб бериш мақсадида 2022 йилдан бошлаб қўйидаги номинациялар бўйича республика танловлари ташкил этилин ва ўтказиб борилин:

Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги томонидан – "Энг яхши ижтимоий лойиҳа"; Савдо-саноат палатаси томонидан – "Энг яхши тадбиркор"; Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан – "Энг яхши талаба"; Туризм ва спорт вазирлиги томонидан – "Энг яхши спортчи";

Маданият вазирлиги томонидан – "Энг яхши китобхон"; Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги томонидан – "Энг яхши иш берувчи";

Бунда, танлов натижалари ҳар йили "3 декабрь – Халқро ногиронлар куни" арафасида эълон қилинади ҳамда танлов қўлибериш шартларининг бюджетдан ташқари манбалари ҳисобидан базавий ҳисоблаш миқдорининг 100 баравари миқдоридан бир мартали пул муқофоти билан рағбатлантирилади.

14. Кўзи ожиз ва кўришда нуқсон бўлган шахсларнинг таълим олишини сифат жиҳатдан янги даражага олиб чиқиш ҳамда ногиронлиги бўлган шахслар учун китоблар, журналлар ва бошқа босма материаллар (матн, нота ёзуви, иллюстрацион материаллар, Брайль ёзувидаги китоблар ва аудиокинолар) базасини кенгайтириш борасида қўйидаги чора-тадбирлар амалга оширилсин:

Маданият вазирлиги (О.Назарбеков) 2022 йил якунига қадар барча болалар мусиқа ва санъат мактабларига кўзи ожиз ва кўришда нуқсон бўлган шахслар учун мўлжалланган матн ва нота ёзувларининг муқобил шакллари бепул тарзда етказиб берилишини таъминласин; Халқ таълими вазирлиги (Б.Саидов) 2022 йил якунига қадар:

а) ўқув материалларининг аудиокинобланги ва аудио тасмадаги ёзувларни ёзиб олиш, Брайль ёзувидаги китобларни тайёрлаш ҳамда таълим муассасаларига етказиб бериш тадбирларини амалга оширсин;

б) алоҳида таълимга эҳтиёжи бўлган болаларнинг ота-оналари учун методик тавсиялар ишлаб чиқилиб, уларга етказиб берилишини таъминласин.

Бунда, мазкур чора-тадбирларни амалга ошириш билан боғлиқ барча харажатлар 2022 йилда тармоқ вазирликларига ажратилган маблағлар доирасида молиялаштирилади.

15. Савдо-саноат палатаси Туризм ва спорт вазирлиги, "Хунарманд" уюшмаси, Ўзбекистон ногиронлар жамияти, Ўзбекистон ногиронлар ассоциацияси билан биргаликда 2022 йилдан бошлаб Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар марказлари ҳамда Тошкент шаҳрида ногиронлиги бўлган шахслар томонидан қўл меҳнати билан тайёрланган маҳсулотларнинг кўргазма савдоларини мунтазам равишда ташкил қилиш амалиётини жорий этсин.

Белгилансинки, кўргазма савдолари Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар марказлари ҳамда Тошкент шаҳрида ташкил этиладиган хунармандчилик маҳсулотлари савдо павильонларида доимий фаолият кўрсатиши таъминланади.

Савдо-саноат палатаси раҳбари А.Икрамов мазкур кўргазма савдоларини самарали ва тўлақонли амалиётга татиқ этиш бўйича шахсан масъул эканлиги белгилаб қўйилсин.

16. Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги (Э.Мухитдинов) манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда ногиронлиги бўлган шахслар жамиятлари тасарруфидоги корхоналарнинг ижтимоий фаолиятини тубдан модернизация қилиш ва самардорлигини ошириш бўйича ўрганиш ва баҳолаш ишларини ташкил қилсин ҳамда ўрганиш жараёнида қўйидаги йўналишларга эътибор қаратсин:

ногиронлиги бўлган шахслар жамиятлари тасарруфидоги корхоналарнинг ижтимоий фаолиятини тубдан модернизация қилиш, уларни интеграцияси-ни амалдаги тизимини танқидий таҳлил қилиш;

замонавий менежмент ва маркетинг асосланган бошқарув ва ишчи кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини шакллантириш масалалари бўйича бевосита жойларга чиқиб ўрганган ҳолда чўқур таҳлилларга асосланган тақлифлари

ишга олиб чиқиш.

Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги (Э.Мухитдинов) Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги (С.Холхўжаев), Молия вазирлиги (Ж.Абдуев), ногиронлиги бўлган шахслар жамиятлари билан биргаликда ҳамда БМТнинг Тараққиёт дастури, Жаҳон банки ва ЮНЕСКОнинг техник қўмағини жалб қилган ҳолда, 2022 йил 1 апрелга қадар ўрганиш натижалари бўйича ногиронлиги бўлган шахслар жамиятлари тасарруфидоги корхоналар фаолиятини комплекс (шу жумладан, давлат-хусусий шериклик механизмлари асосида) ривожлантиришни назарда тутувчи Ҳукумат қарори лойиҳасини киритсин.

17. Тиббий-ижтимоий хизматларни ривожлантириш агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон ногиронлар жамияти, Ўзбекистон кўзи ожизлар жамияти, Ўзбекистон қарлар жамияти, Ўзбекистон ногиронлар ассоциацияси ҳамда Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда ушбу қарор мақсади ва вазифалари, шу жумладан, ногиронлиги бўлган шахсларни қўллаб-қувватлашни тарғиб қилувчи видеороликлар ва ижтимоий рекламалар ишлаб чиққан ҳолда, оммавий ахборот воситаларида Интернет тарғибда кенг ёритилишини таъминласин.

18. Мазкур қарор ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб молия вазири Т.А.Ишметов, бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирининг биринчи ўринбосари Э.М.Мухитдинов ҳамда Тиббий-ижтимоий хизматларни ривожлантириш агентлиги директори А.К.Инаков белгилансин.

19. Қарор ижросини муҳокама қилиб бориш, масъул ижрочи ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н.Арипов зиммасига юклансин.

Амалга ошириладиган чора-тадбирлар натижадорлиги юзасидан Ўзбекистон Республикаси Президентига 2022 йил 1 июлга қадар ахборот берилсин.

биркорлик, ижтимоий маҳсулот, ижтимоий квота, ижтимоий масъулият тушунчалари ҳамда уларни амалиётга жорий этиш юзасидан илгор ҳорижий тажрибани таҳлил қилиш;

ижтимоий корхоналар кластерларининг фаолиятини, биринчи навбатда, ногиронлиги бўлган шахсларнинг эҳтиёжларини қондиришга қаратилган, импорт ўрнини босадиган ва экспортга йўналтирилган ижтимоий маҳсулотлар (товарлар, хизматлар) турлари ва истиқбол бозорларга экспортни кўпайтиришнинг аниқ чораларини белгилаш;

ижтимоий корхоналар кластерларининг ҳудудларда ҳамда ҳорижий давлатларда савдо уйлари ва фирма дўконларини ташкил этиш;

ижтимоий корхоналар кластерларида ишлаб чиқарилган товарларни биржа савдоларида сотиш, давлат эҳтиёжи учун харид қилиш ва захирага олишни механизмларини такомиллаштириш;

кўзи ожизлар, қар-соқовлар ва бошқа шаклда ногиронлиги бўлган шахсларга, шу жумладан, болалар соғлигини реабилитация қилишга ихтисослашган марказлар, таълим, тиббиёт, маданият ва маърифат масканлари каби ижтимоий инфратузилмаларнинг фаолиятини ва моддий-техника базасини, таълимнинг ишлаб чиқариш билан интеграциясини амалдаги тизимини танқидий таҳлил қилиш;

замонавий менежмент ва маркетинг асосланган бошқарув ва ишчи кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини шакллантириш масалалари бўйича бевосита жойларга чиқиб ўрганган ҳолда чўқур таҳлилларга асосланган тақлифлари

ишга олиб чиқиш.

Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги (Э.Мухитдинов) Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги (С.Холхўжаев), Молия вазирлиги (Ж.Абдуев), ногиронлиги бўлган шахслар жамиятлари билан биргаликда ҳамда БМТнинг Тараққиёт дастури, Жаҳон банки ва ЮНЕСКОнинг техник қўмағини жалб қилган ҳолда, 2022 йил 1 апрелга қадар ўрганиш натижалари бўйича ногиронлиги бўлган шахслар жамиятлари тасарруфидоги корхоналар фаолиятини комплекс (шу жумладан, давлат-хусусий шериклик механизмлари асосида) ривожлантиришни назарда тутувчи Ҳукумат қарори лойиҳасини киритсин.

17. Тиббий-ижтимоий хизматларни ривожлантириш агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон ногиронлар жамияти, Ўзбекистон кўзи ожизлар жамияти, Ўзбекистон қарлар жамияти, Ўзбекистон ногиронлар ассоциацияси ҳамда Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда ушбу қарор мақсади ва вазифалари, шу жумладан, ногиронлиги бўлган шахсларни қўллаб-қувватлашни тарғиб қилувчи видеороликлар ва ижтимоий рекламалар ишлаб чиққан ҳолда, оммавий ахборот воситаларида Интернет тарғибда кенг ёритилишини таъминласин.

18. Мазкур қарор ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб молия вазири Т.А.Ишметов, бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирининг биринчи ўринбосари Э.М.Мухитдинов ҳамда Тиббий-ижтимоий хизматларни ривожлантириш агентлиги директори А.К.Инаков белгилансин.

19. Қарор ижросини муҳокама қилиб бориш, масъул ижрочи ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н.Арипов зиммасига юклансин.

Амалга ошириладиган чора-тадбирлар натижадорлиги юзасидан Ўзбекистон Республикаси Президентига 2022 йил 1 июлга қадар ахборот берилсин.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

НОГИРОНЛИГИ БЎЛГАН ШАХСЛАРНИ ҲАР ТОМОНЛАМА ҚўЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ, УЛАРНИНГ БАНДЛИГИГА КўМАКЛАШИШ ҲАМДА ИЖТИМОЙ ФАОЛЛИГИНИ ЯНАДА ОШИРИШГА ОИД ҚўШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТўҒРИСИДА

ногиронлиги бўлган шахсларни касб-хунарга ўргатиш бўйича ҳар чорада қисқа муддатли курслар ташкил этилади

ногиронлиги бўлган шахсларнинг белгиланган квоталарга мувофиқ ишга қабул қилиниши ҳолатини ўрганиб чиқиб, ўрганиш натижалари бўйича амалий чора-тадбирлар дастури лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

ногиронлиги бўлган шахслар орасида уларнинг ҳаётини яхшилашга қаратилган энг яхши ижтимоий лойиҳаларни рағбатлантириб бериш мақсадида 2022 йилдан бошлаб қўйидаги номинациялар бўйича республика танловлари ташкил этилин ва ўтказиб борилин:

Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги томонидан – "Энг яхши ижтимоий лойиҳа"; Савдо-саноат палатаси томонидан – "Энг яхши тадбиркор"; Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан – "Энг яхши талаба"; Туризм ва спорт вазирлиги томонидан – "Энг яхши спортчи";

Маданият вазирлиги томонидан – "Энг яхши китобхон"; Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги томонидан – "Энг яхши иш берувчи";

Бунда, танлов натижалари ҳар йили "3 декабрь – Халқро ногиронлар куни" арафасида эълон қилинади ҳамда танлов қўлибериш шартларининг бюджетдан ташқари манбалари ҳисобидан базавий ҳисоблаш миқдорининг 100 баравари миқдоридан бир мартали пул муқофоти билан рағбатлантирилади.

14. Кўзи ожиз ва кўришда нуқсон бўлган шахсларнинг таълим олишини сифат жиҳатдан янги даражага олиб чиқиш ҳамда ногиронлиги бўлган шахслар учун китоблар, журналлар ва бошқа босма материаллар (матн, нота ёзуви, иллюстрацион материаллар, Брайль ёзувидаги китоблар ва аудиокинолар) базасини кенгайтириш борасида қўйидаги чора-тадбирлар амалга оширилсин:

Маданият вазирлиги (О.Назарбеков) 2022 йил якунига қадар барча болалар мусиқа ва санъат мактабларига кўзи ожиз ва кўришда нуқсон бўлган шахслар учун мўлжалланган матн ва нота ёзувларининг муқобил шакллари бепул тарзда етказиб берилишини таъминласин; Халқ таълими вазирлиги (Б.Саидов) 2022 йил якунига қадар:

а) ўқув материалларининг аудиокинобланги ва аудио тасмадаги ёзувларни ёзиб олиш, Брайль ёзувидаги китобларни тайёрлаш ҳамда таълим муассасаларига етказиб бериш тадбирларини амалга оширсин;

б) алоҳида таълимга эҳтиёжи бўлган болаларнинг ота-оналари учун методик тавсиялар ишлаб чиқилиб, уларга етказиб берилишини таъминласин.

Бунда, мазкур чора-тадбирларни амалга ошириш билан боғлиқ барча харажатлар 2022 йилда тармоқ вазирликларига ажратилган маблағлар доирасида молиялаштирилади.

15. Савдо-саноат палатаси Туризм ва спорт вазирлиги, "Хунарманд" уюшмаси, Ўзбекистон ногиронлар жамияти, Ўзбекистон ногиронлар ассоциацияси билан биргаликда 2022 йилдан бошлаб Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар марказлари ҳамда Тошкент шаҳрида ногиронлиги бўлган шахслар томонидан қўл меҳнати билан тайёрланган маҳсулотларнинг кўргазма савдоларини мунтазам равишда ташкил қилиш амалиётини жорий этсин.

Белгилансинки, кўргазма савдолари Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар марказлари ҳамда Тошкент шаҳрида ташкил этиладиган хунармандчилик маҳсулотлари савдо павильонларида доимий фаолият кўрсатиши таъминланади.

Савдо-саноат палатаси раҳбари А.Икрамов мазкур кўргазма савдоларини самарали ва тўлақонли амалиётга татиқ этиш бўйича шахсан масъул эканлиги белгилаб қўйилсин.

16. Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги (Э.Мухитдинов) манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда ногиронлиги бўлган шахслар жамиятлари тасарруфидоги корхоналарнинг ижтимоий фаолиятини тубдан модернизация қилиш ва самардорлигини ошириш бўйича ўрганиш ва баҳолаш ишларини ташкил қилсин ҳамда ўрганиш жараёнида қўйидаги йўналишларга эътибор қаратсин:

ногиронлиги бўлган шахслар жамиятлари тасарруфидоги корхоналарнинг ижтимоий фаолиятини тубдан модернизация қилиш, уларни интеграцияси-ни амалдаги тизимини танқидий таҳлил қилиш;

ижтимоий корхоналар кластерларининг фаолиятини, биринчи навбатда, ногиронлиги бўлган шахсларнинг эҳтиёжларини қондиришга қаратилган, импорт ўрнини босадиган ва экспортга йўналтирилган ижтимоий маҳсулотлар (товарлар, хизматлар) турлари ва истиқбол бозорларга экспортни кўпайтиришнинг аниқ чораларини белгилаш;

ижтимоий корхоналар кластерларининг ҳудудларда ҳамда ҳорижий давлатларда савдо уйлари ва фирма дўконларини ташкил этиш;

ижтимоий корхоналар кластерларида ишлаб чиқарилган товарларни биржа савдоларида сотиш, давлат эҳтиёжи учун харид қилиш ва захирага олишни механизмларини такомиллаштириш;

кўзи ожизлар, қар-соқовлар ва бошқа шаклда ногиронлиги бўлган шахсларга, шу жумладан, болалар соғлигини реабилитация қилишга ихтисослашган марказлар, таълим, тиббиёт, маданият ва маърифат масканлари каби ижтимоий инфратузилмаларнинг фаолиятини ва моддий-техника базасини, таълимнинг ишлаб чиқариш билан интеграциясини амалдаги тизимини танқидий таҳлил қилиш;

замонавий менежмент ва маркетинг асосланган бошқарув ва ишчи кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини шакллантириш масалалари бўйича бевосита жойларга чиқиб ўрганган ҳолда чўқур таҳлилларга асосланган тақлифлари

ишга олиб чиқиш.

Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги (Э.Мухитдинов) Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги (С.Холхўжаев), Молия вазирлиги (Ж.Абдуев), ногиронлиги бўлган шахслар жамиятлари билан биргаликда ҳамда БМТнинг Тараққиёт дастури, Жаҳон банки ва ЮНЕСКОнинг техник қўмағини жалб қилган ҳолда, 2022 йил 1 апрелга қадар ўрганиш натижалари бўйича ногиронлиги бўлган шахслар жамиятлари тасарруфидоги корхоналар фаолиятини комплекс (шу жумладан, давлат-хусусий шериклик механизмлари асосида) ривожлантиришни назарда тутувчи Ҳукумат қарори лойиҳасини киритсин.

17. Тиббий-ижтимоий хизматларни ривожлантириш агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон ногиронлар жамияти, Ўзбекистон кўзи ожизлар жамияти, Ўзбекистон қарлар жамияти, Ўзбекистон ногиронлар ассоциацияси ҳамда Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда ушбу қарор мақсади ва вазифалари, шу жумладан, ногиронлиги бўлган шахсларни қўллаб-қувватлашни тарғиб қилувчи видеороликлар ва ижтимоий рекламалар ишлаб чиққан ҳолда, оммавий ахборот воситаларида Интернет тарғибда кенг ёритилишини таъминласин.

18. Мазкур қарор ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб молия вазири Т.А.Ишметов, бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирининг биринчи ўринбосари Э.М.Мухитдинов ҳамда Тиббий-ижтимоий хизматларни ривожлантириш агентлиги директори А.К.Инаков белгилансин.

19. Қарор ижросини муҳокама қилиб бориш, масъул ижрочи ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н.Арипов зиммасига юклансин.


Амалга ошириладиган чора-тадбирлар натижадорлиги юзасидан Ўзбекистон Республикаси Президентига 2022 йил 1 июлга қадар ахборот берилсин.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

НОГИРОНЛИГИ БЎЛГАН ШАХСЛАРНИ ҲАР ТОМОНЛАМА ҚўЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ, УЛАРНИНГ БАНДЛИГИГА КўМАКЛАШИШ ҲАМДА ИЖТИМОЙ ФАОЛЛИГИНИ ЯНАДА ОШИРИШГА ОИД ҚўШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТўҒРИСИДА

ногиронлиги бўлган шахсларни касб-хунарга ўргатиш бўйича ҳар чорада қисқа муддатли курслар ташкил этилади

ногиронлиги бўлган шахсларнинг белгиланган квоталарга мувофиқ ишга қабул қилиниши ҳолатини ўрганиб чиқиб, ўрганиш натижалари бўйича амалий чора-тадбирлар дастури лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин.



(Боши 1-саҳифада)

Корхонада бўлиб, у ерда амалга оширилган ишлар билан яқиндан танишдик. Бизга Бош директор Дониёр Юсупов куйидагиларни сўзлаб берди:

— Корхонамиз тақлиф этаётган, таъмирлаш муддатини уч баробарга камайтираётган торқретлаш усули Ўзбекистон Республикаси Сув ҳўжалиги вазирлиги қарори билан маъқуллаб, Ўзбекистон сифат стандартларига киритилган. Таъмирталаб қувурларни қайта тиклашда ишлатиладиган махсус қоршима мавжуд бўлиб, унинг таркиби учун санитария-эпидемиологик ва жамоат саломатлиги хизмати ҳам ичимлик суви иншоотларига ишлатиш учун тегишли рухсатнома берилган.


Шуни таъкидлаб ўтишни истардим, яроқсиз қувурларни қайта тиклаш янги-сига алмаштиришдан кўра, қувурларнинг диаметрига қараб деярли 4-8 баробар тежамлироқдир. Торқретлаш услубининг кўпгина афзалликлари бор. Масалан, махсус компонент қўшилиши натижа-сида бетон қоршимаси мустаҳкамлиги 20-25 фоизга ошиши, қувур сиртидаги бетон қўлламасининг ёриқ ва тирқишлари KALMATRON (АҚШ) компонентининг намлик таъсирида кристаллизацияла-ниши натижасидаги нуқсонларни бит-

казиши, қувурнинг ички сатҳида пайдо бўладиган гидрозарб ҳолатларига ҳамда ҳарорат таъсирига мустаҳкамлигини ошириши билан характерлидир.

Давлатимиз раҳбарининг "2017-2021 йилларда ичимлик суви таъминоти ва канализация тизимларини комплекс ривожлантириш ҳамда модернизация қилиш дастури тўғрисида"ги қарори ижроси асосида компания томонидан аҳолини ичимлик суви билан таъминлаш бўйича катта ҳажмдаги буюртмалар сифатли ва арзон ҳамда қисқа вақтда бажарилди. Барчамиз яхши биламизки, бугунга келиб сув танқислиги халқро муаммога айланиб улгурди. Сув тақ-чиллиги Мараказий Осиё мамлакатлари қаторида бизнинг юртимизда ҳам ўз таъсирини ўтказмай қолмайди. Шундан хулоса қилсак, келажақда бизни нималар кутаётганини тасаввур қилиш қийин эмас. Айниқса, аграр мамлакат дея таъ-риф бериладиган юртимизда қишлоқ ҳўжалиги экинлари етиштириш учун қан-ча сув захиралари керак бўлади? Бутун дунёда чўчук сувга эҳтиёж ортиб бораёт-ган бир вақтда, суви тежаб ишлатиш, қайта ишлаш ҳамда сув истеъмолида энг сўнгги технология ва инновацияларни қўллаш ке-раклигини қайта-қайта тақоррайдиган вақт келди. Афсуски, ў



Яқинлашиб келаётган Янги йил байрами қутлуғ бўлсин!



**Азиз ватандошлар!**  
"Ўзмелиомашлизинг"  
давлат унитар корхонаси  
жамоаси Сизларни кириб  
келаётган янги – 2022  
йил билан самимий  
табриклайди.

Янги йил сизга ва оилангизга сиҳат-саломатлик, тинчлик-хотиржамлик,  
бахту саодат ва файзу барака олиб келсин.

Ниҳоясига етаётган 2021 йилнинг сўнги кунлари йил давомида қўлга киритилган ғалабалар  
ва бой берилган имкониятлар сарҳисоби, шунингдек янги – 2022 йилда забт этилиши  
режалаштирилаётган юксак чўққиларни аниқлаб олиш учун энг қулай фурсатдир. Биз сизга  
эзгу ниятларингиз ижобатини ҳамда Ватанимиз Янги Ўзбекистонни дунёнинг ривожланган  
мамлакатлари қаторига кўтариш, халқ фаровонлиги ва юрт равнақи йўлида  
олиб бораётган фидойи меҳнатингизда битмас-туганмас куч-ғайрат тилаймиз.  
Қалбингиздан кувонч, жондонингиздан шоду хуррамлик асло аримасин.  
Янги йилнингиз муборак бўлсин!

**"ЎЗМЕЛИОМАШЛИЗИНГ" ДУК жамоаси**

**Ўзбекистон Республикаси**  
автомобиль йўллари давлат қўмитаси тасарруфидаги

**Автомобиль йўллари ИИҚТБ**  
жамоаси



Ўртимиз аҳлини Янги йил шодиёнаси билан табриклайди.  
Барча-барчага диёримизнинг гуллаб-яшнаши, янада обод  
гўшага айланиши, халқимизнинг турмуш даражасини  
ошириш йўлидаги эзгу ишларида ғайрату шижоат, улкан  
зафарлар тилайди. Қалбдаги жўшқинлигимиз, эртанги кунга  
бўлган ишончимиз асло сусаймасин.  
Янги йил муборак, азизлар!

**"Шўрчидон маҳсулотлари"**  
акциядорлик жамияти жамоаси



юртдошларимизни, шу жумладан,  
донни қайта ишлаш саноати  
соҳасида меҳнат қилиб келаётган  
барча ҳамкасб дўстларини, деҳқону  
фермерларни кириб келаётган  
2022 йил билан самимий қутлайди  
ва янги йилда барчага янги-янги  
зафарлар ёр бўлишини тилайди.  
Келаётган йил мамлакатимиз, ҳар  
бир юртдошимиз ҳаётида омад ва  
кувончларга, муваффақиятларга  
бой йил бўлсин! Деҳқонларимизнинг  
ҳосили мўл, дастурхонларимиз  
тўкин-сочин, ризқимиз ҳамisha  
бутун бўлсин!

**Янги йилнингиз билан, қадрли ҳамюртлар!**

**Хайрихоҳ қалб**

Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек  
туманидаги имконияти чекланган болалар  
учун ихтисослаштирилган 105-мактаб-  
интернатининг математика фани ўқитувчиси  
Гулнора Олимжонова жамоада меҳнати  
билан хурмат-эътибор қозонган. Аслида  
ақли заиф болаларга математика фанидан  
дарс ўтиш ғоятда машаққатли. Гулнора эса  
бу ишнинг уддасидан чиқиб келмоқда.  
У дастлаб ушбу мактаб-интернатга  
тарбиячи вазифасига қабул қилиниб,  
2000 йилдан дарс ўта бошлади.



– Бу ерда болалар билан ишлаш-  
нинг масъулияти анчайин катта, –  
дейди у. – Ҳам тарбиячи, ҳам ўқитув-  
чи, керак бўлса меҳрибон она, баъзан  
хушёр шифокорга айланишга тўғри  
келади...

Ҳа, устознинг гапларига мактаб-  
интернатдаги тарбия жараёнини ку-  
затиб, гувоҳ бўлишингиз мумкин. Ҳо-  
зирда юқори синфларга математика  
фанидан дарс бераётган устоз-мураб-  
бий ҳар бир бола билан жуда синчков  
муносабатда бўлади. Ўқувчиларнинг  
аълочилари ҳам, дарсларни унча  
яхши ўзлаштира олмайдиغانлари  
ҳам бор. Қандай бўлишидан қатъий  
назар Гулнора болаларнинг қалбига  
йўл топиб, билим, тарбия беришга  
бор куч, салоҳиятини сафарбар этиб  
келмоқда.

Лавҳамиз қаҳрамони ўқитувчилик  
фаолиятини фаол давом эттириш  
билан бир қаторда мактаб Касаба  
ушма қўмита раиси сифатида ҳам  
уюшма аъзолари ҳаётига файз кири-  
тиш йўлида уларга ҳамisha хайрихоҳ  
бўлиб келади.

**Аббасид НУРБОЕВ,**  
Ўзбекистон Ёзувчилар  
уюшмаси аъзоси.

**ЎЗБЕКИСТОН АҲОЛИСИ НЕЧА МАРОТАБА  
РЎЙХАТГА ОЛИНГАНИНИ БИЛАСИЗМИ?**

Ўзбекистон ҳудудида аҳолини рўйхатга олиш  
дастлаб 1897 йилда ўтказилган ва ўшанда аҳоли сони  
3,9 миллион кишини ташкил қилган.

Ушбу рўйхатга олишда  
мамлакатдаги оилалар, аҳо-  
ли сони, ёши ва жинси, эт-  
ник таркиби, туғилиш, ўлим  
каби демографик жараёнлар  
қамраб олинган. Кейинча-  
лик ҳудудимизда 1926, 1939,  
1959, 1970, 1979 ва 1989  
йилларда аҳолини рўйхатга  
олиш тадбирлари ўтказилган.  
Мустақиллик йилларида эса  
республикамизда аҳолини  
рўйхатга олиш тадбирлари  
ўтказилмаган. Мустақил-  
ликдан сўнг бу тадбир энди  
биринчи марта 2023 йилда  
бўлиб ўтади ва ҳар 10 йилда  
амалга оширилади. Аҳолини  
рўйхатга олишнинг ҳуқуқий  
асоси бўлиб, ўтган йили қабул  
қилинган "Аҳолини рўйхатга  
олиш тўғрисида"ги Ўзбекистон  
Республикасининг Қонуни  
хизмат қилади. Мазкур қонун  
ушбу йўналишда мустақиллик  
йилларида қабул қилинган ilk  
қонун бўлиб, аҳолини рўйхатга  
олиш республикамизда муносабат-  
ларни тартибга солади.

**У. КАРИМОВ,**  
Учтепа тумани статистика  
бўлими бошлиғи.

"Қишлоқ ҳаёти" газетаси  
таҳририяти жамоаси газетанинг  
Сирдарё вилояти бўйича муҳбири,  
таниқли журналист  
**Бозорбой БЕКМУРОДОВ**нинг  
вафоти муносабат билан  
унинг оила аъзолари ва  
яқинларига ҳамдардлик билдирди.  
Бозорбой Бекмуродов фаолияти давоми-  
да кўплаб публицистик мақолалари, очерк  
ва фельетонлари билан муштарийларимиз  
меҳрини қозонганди. Айниқса, унинг маҳорат  
билан ёзилган танқидий мақолалари вилоят-  
даги кўплаб муаммоларнинг ҳал этилишида  
муҳим ўрин тутган.  
Моҳир журналист Бозорбой Бекмуродов  
касбига садоқатли, зиёли ва самимий дўст  
сифатида ҳамкасблари қалбидан чуқур жой  
олган. Илоҳим, охирати обод бўлсин!